

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 205 (11.014) Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттаҳид ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кўчатириш мақсадида:


- 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, ижтимоий нафақалар ва стипендиялар ўрта ҳисобда 1,2 баравар оширилсин.
- 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 18630 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 36900 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 18630 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 36900 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 22350 сўм миқдорига белгилансин.
- Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси бўлими вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муас-

сасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машоғли миқдорини мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.
- Ҳўжалик ҳисобидига қорхона ва ташкилотлар 2007 йилнинг 16 ноябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш, шунингдек, жорий йил бошидан ҳўжалик юритувчи субъектлар зиммасига тушадиган солиқ юки даражасини пайсатириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 июлдаги ПФ-3889-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2007 йил 16 ноябрдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 октябрь



РЕСПУБЛИКАМИЗ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИГА БЕШ ЙИЛ ТЎЛДИ.

ПОЙТАХТНИНГ СУП КУНИ



Бўлажак чемпионолар етишиб чиқади

Ўтган вақт мобайнида мамлакатимизда жамғарма томонидан болалар спортини аниқ мақсадлар асосида барқарор ривожлантириш, минглаб ўғил-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш йўлида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, биргина пойтахтимизнинг ўзида 14 та янги спорт мажмуаси қуриб ишга туширилди, 2 та умумтаълим мактабларига қўшимча спорт заллари қурилди. Мактаб ва маҳаллалар қошидаги жами 21 та спорт майдонлари қайта таъмирлаб берилди.

Замонавий янги қурилган спорт мажмуаларида жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бугунги кунга келиб ушбу мажмуаларда ташкил этилган 135 та спорт секцияларида 6478 нафар болалар мунтазам спорт билан шугулланиб кел-

моқда.

Албатта, хайрли мақсад йўлида бошланган ишнинг натижаси ҳам кўнглидагидек бўлади. Буни биз мустақил Ўзбекистонимиз байроғини халқаро майдонларда баянда кўтариб чемпионлик тожини кийиб қайтаётган ёшларимиз тим-солида кўришимиз мумкин.

Ишонимизки, жисмонан соғлом, маънавий етук ва баркамол ёш авлод орасидан келгусида она-юртимиз байроғини ҳамisha баянда кўтаридиган янги-янги чемпионолар етишиб чиқади.

Кеча Мирзо Улуғбек туманида жойлашган «Умид» болалар спорт комплексида жамғарма ташкил топганлигининг 5 йиллиги катта байрам сифатида нишонланди. Тадбирда спорт фахрийлари ва спортчи ёшлар Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кечка сатрларда

- ШАҲРИМИЗДА теннис бўйича ёшлар ўртасида турнир уюштирилди.
- БУГҲН Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Миллий мафкура, миллий ғоя зарурати» деб номланди.
- БУГҲН «Ўзакспомарказ»

«Юнион» компанияси ташаббуси билан соҳа ходимлари иштирокатида ўтказилган тадбирда пул ўтказмалари билан шугулланувчи мазкур компания фаолиятини янада ривожлантириш масалалари борасида ўзаро фикр алмашилди.

КЕЧА Тошкент шаҳар чакриву-йиғув пунктида муҳаддатли ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларини қузатиш маросими уюштирилди.

«Юнион» компанияси ташаббуси билан соҳа ходимлари иштирокатида ўтказилган тадбирда пул ўтказмалари билан шугулланувчи мазкур компания фаолиятини янада ривожлантириш масалалари борасида ўзаро фикр алмашилди.

КЕЧА Тошкент шаҳар чакриву-йиғув пунктида муҳаддатли ҳарбий хизматга отланган аскар йигитларини қузатиш маросими уюштирилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қорақалпоғистон Республикаси фаоллари йиғилишида Президент Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралдаги мажлисида белгилаб берилган муҳим вазифалар ижроси ҳамда 2007 йилнинг тўққиз ойи давомида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари атрофлича муҳокама қилинди.
- Жиззахда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ЁИХ ташаббуси билан анъанавий тарзда ташкиллаштириб келинаётган «Янги авлод — 2007» болалар ижодиёти фестивалининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг иқтидорли ёшлари ҳамда ижодий жамоалари фестивалнинг олти йўналиши бўйича ўз салоҳиятларини намойиш этдилар.
- Пойтахт халқаро бизнес маркази ва JICA Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги биргаликда «Тошкент — Токио» видео конференциясини ўтказдилар. JICA ва «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ушбу тадбирнинг ташкилотчилари бўлишди.
- «Экосан» халқаро хайрия жамғармасининг навбатдаги «Саломатлик» поездеи Хоразм вилоятига етиб келди. «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ушбу акция «Экосан»нинг йил бошидан буён вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасига юборилган инсонпарварлик юкнинг ўн олтинчиси бўлди.
- Избоскан туманининг маркази ҳисобланмиш Пойтуғ шаҳрида янги савдо маркази қад ростлади. Уни маҳаллий тадбиркорлар Атамжон Мамажонов, Жаҳонгир Курбонов ва Маҳмуджон Камоловлар ўз маблағлари ҳисобига бунёд этишди. Янги савдо марказидан 102 та дўкон, ошхона, машиналарни сақлаш жойи, юкларни сақлаш камераси ва бошқа савдо ҳамда маиший хизмат қўрсатиш иншоотлари ўрин олган.
- Бухоро шаҳридаги «ЎзКореямедикал» қўшма корхонасида бир марта фойдаланиладиган беш ва ўн миллиграммли шприцлар билан бирга, бозор талабларини чуқур ўрганган ҳолда икки миллиграммли шприцлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу корхонада ойига ўртача 4-5 миллион дона шприц ишлаб чиқарилмоқда.
- Фаргона шаҳридаги чакриву-йиғин пунктида чакриву-йиғиларнинг навбатдаги гуруҳини Қуроли Кучлар сафига қузатиш маросими ўтказилди.
- Жомбой туманидаги «Жакфа громир» масъулияти чекланган жамиятида мақорон ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан олинган кредит ҳисобига ташкил этилган бу корхонада бир кеча-кундузда 7 тонна маҳсулот тайёрланмоқда.

ЖАҲОНДА

- Калифорния штатидаги улкан ёнгинлар туфайли АКШ Президенти Жорж Буш мазкур штатни табиий офат ҳудуди дея тавсифлади. Ҳозирда бу ерда 1200 та бино куйиб кул бўлган, 500 минг киши уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлди. 14 та ёнгин нуқтасидан 2 тасига барҳам берилди. Ҳозирда «тилсиз ёв» тезлик билан аҳоли зич яшайдиган Тинч океани қирғоқларига яқинлашмоқда.
- Аджария маркази Батуми шаҳрида 6000 га яқин киши «Президентсиз Грузия» шиори остида норозилик намойишига чиқдилар. Улар Грузия парламенти тарқатилиб, Президентнинг истеъфого чикишини талаб қилмоқдалар. Намойишчиларнинг фикрича, Грузияда президентлик институти бошқаруви ўзини оқламаган.
- Қурд жангарилари ўзларининг интернетдаги сайтларига бундан бир неча кун муқаддам асир олинган 8 нафар турк ҳарбийларининг тасвирларини киритдилар. Туркия эса Ироқ шимолидаги қурд ҳарбий базаларини тўпга тутишни давом эттирмоқда. Ироқ маъмурилари мамлакатдаги Қурд ишчилар партиясининг барча шўбаларини ёпиш орқали Туркияга қўмақлашишларини билдиришди.
- Архангелск вилоятидаги Плесецк космодромидан «Молния-М» ракетаси муваффақиятли учирилди. У Россия Мудофаа вазирлигига қарашли сунъий йўлдошни самога олиб чиқди.
- Кеча кечқурун Махачқала шаҳрининг жанубий қисмида чиқинди қутисига яширилган, кучи 8 киллограмм тротилга тенг бомбанинг портлатилиши натижасида икки киши тан жароҳатларини олди. Ушбу терактга алоқадорликда гумон билан уч киши ҳибсга олинди.
- Буёк Британияда янги биометрик виза жорий этилмоқда. Энди 8 ноябрдан бошлаб, ушбу мамлакат ҳудудида кирмоқчи бўлган ҳар бир шахс фақат Британия консулхонасига бориб, суратга тушиб, бармоқ изларини қолдирган ҳолда виза олиши мумкин бўлади. Ушбу янгилик сайёҳлар оқимининг кескин қисқаришига олиб келиши таъкидланмоқда.
- JVC компанияси суёқ кристалли янги телевизор яратди. Ушбу телевизорни қафт-ни қафтга уриш ва имо-ишора билан бошқариш мумкин. Телевизор экранига менюни қиқариш учун уч марта чапак чалсангиз бас. Шундан сўнг менюдаги бўлимлардан биронтасини танлаш учун бармоғингиз ёрдамида кўрсатсангиз бўйруғингиз телевизорнинг ўрқари қисмига ўрнатилган махсус камера ёрдамида амалга оширилади.

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ШАРТИ

ТОШКЕНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИ ВА КОТИБЛАРИНИНГ АМАЛИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШИ БЎЛИБ ЎТДИ. ТАДБИРДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ ВА КОТИБЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида таъбирга қўйилган қўриш ва уни ўтказишга оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳақида маъруза қилди.

Мамлакатимизда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яшрин овоз бериш йўли билан ўтказилиши Конституцияда ва миллий сайлов қонунчилигимизда ўз ифодасини топган. Айнан шунинг учун ҳам сайловлар, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларда демократик, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сайловларни ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди. Улар сайлов тизимининг демократик принципларини амалга оширишга қўмақлашишга, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш имкониятини таъминлашга даъват этилган.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат ва жамоат идоралари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижро этиши учун мажбурийдир. Давлат ва жамоат идоралари, сиёсий партиялар, органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ўз ваколатларини амалга оширишларига қўмақлашиши, улар-

нинг иши учун зарур маълумот ва материалларни тақдим этиши зарур.

Марказий сайлов комиссияси мамлакатимизнинг бутун ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушутиришлар беради, шунингдек, сайлов комиссиялари фаолиятини йўналиштириб боради.

Ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та сайлов округи тузилди, округ сайлов комиссиялари ташкил этилди ва уларнинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва 8 нафардан кам бўлмаган комиссия аъзоларидан иборат шахсий таркиби таъкидланди ва маҳаллий матбуотда эълон қилинди. Айни вақтда ушбу комиссиялар ўз фаолиятини амалга оширишга киришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, округ сайлов комиссиялари таркиби миллий сайлов қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсиясига биноан жамоатчиликнинг обрўли вакиллари, партиясизлар ҳисобидан шакллантирилди. Бу уларнинг иш фаолиятида ҳолисликни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссия-

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

2001 йил 15 июнь куни Хитойнинг Шанхай шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини (ШХТ) тузиш тўғрисидаги декларация имзоланди. Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон асос солган бу тузулмада ўта кискна мuddатда ривожланиб, етук халқаро ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги нуфузи йил сайин ортиб бормоқда, ташкилот сафидан жой олиш истагини билдирган давлатлар ҳам кўпаймоқда. ШХТнинг салоҳияти ҳақида гапирганда масаланинг фақат иқтисодий жиҳати ҳисобга олинса ҳам, уни йирик иқтисодий-интеграциявий ташкилот деб аташ учун барча асослар етарлидир.

ШХТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро хурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, сивсат, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат. Ташкилотга аъзо мамлакатлар ҳудудида яшовчи аҳоли сони 1,5 миллиардга яқин.

ШХТ доирасида икки юздан зиёд ҳужжат имзоланган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Хусусан, 2003 йили кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича 2028 йилгача мўлжалланган дастури, 2004 йилда эса уни ижро этиш режаси қабул қилинган.

Ҳулом МИРЗАЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташкилотнинг иқтисодий органлари Ишбилармонлар кенгаши ва Банклараро бирлашмадир.

ШХТ Ишбилармонлар кенгаши 2006 йил июнь ойида бўлиб ўтган Шанхай саммитида ташкил этилган. Нохукумат ташкилот мақомида иш юритувчи бу тузилма ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ишбилармон ва молиявий доираларини бирлаштиради ва уларни минтақавий миқёсдаги савдо-иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий, энергетик ҳамкорлик лойиҳаларига жалб этади.

Ишбилармонлар кенгаши ҳар йили сессия ўтказиб, ўз фаолияти ва минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олади.

ШХТнинг Банклараро бирлашмаси тўғрисидаги битим 2005 йилнинг октябрида Москвада имзоланган. Уни ташкилотга аъзо давлатларнинг ташкилот иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи банклари таъсис этган.

Банклараро ҳамкорлики назарда тутилган ушбу бирлашманинг мақсади ва вазифалари инфратузилмани ривожлантиришга, юқори технологияларга, иқтисодийнинг экспортга йўналтирилган тармоқларига оид ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик стратегик минтақавий лойиҳаларни молиялаштиришга кредит маблағларини жалб қилишдан иборат.

Бирлашма савдо-иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида экспорт-импорт операцияларини ҳам молиялаштиради, унинг мижозлар ва қўшма лойиҳа-

Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашманинг ҳамкорлиги расмийлаштирилди. Ушбу саммит доирасида Банклараро бирлашма кенгашининг мажлиси ўтказилиб, бирлашмага аъзо банкларнинг лойиҳаларини саралаш, экспортга қилиш ва амалга оширишдаги ҳамкорлиги регламенти қабул қилинди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотиди

мамлакатлари учун 900 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратгани таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон бу йўналишда 19 та лойиҳа ишлаб чиққан ва айни пайтда уларнинг бештасини молиялаштириш юзасидан келишувга эришилган.

Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 196,6 миллион долларни ташкил этади.

ШХТ мамлакатларининг иқтисодий имкониятлари ҳақида гап очилганида уларнинг учинчи давлатлар билан ҳамкорлик қилмай туриб ҳам барча талаб ва эҳтиёжларни қон-

махсулотлари, мевалар экспортининг асосий қисми ташкилотга аъзо давлатлар хисосига тўғри келади. ШХТ доирасида тоғ-қон ва металлургия санаяти махсулотлари ҳамда қурилиш материаллари савдосининг қўлини ҳам катта.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар қониноти ўрганиш, қўш энергиясидан фойдаланиш каби соҳаларда ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

ШХТ давлатларининг иқтисодий имкониятлари фақат уларнинг салоҳияти билан чекланиб қолмаганини эслатиб ўтиш жоиз. Ташкилот ҳузурида Мўғулистон, Эрон, Хиндистон ва Покистонга кузатувчи мақоми берилган. Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган мажлисларида ушбу мамлакатлар раҳбарлари катнашади.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА шарҳловчиси

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ НОЁБ МЕХАНИЗМИ

лар бўйича ахборот алмашуви йўлга қўйилган.

Банклараро бирлашма кенгашининг 2006 йилги Шанхай саммити доирасида бўлиб ўтган илк мажлисида унинг таъсис ҳужжатлари билан бирга қатор икки томонлама битимлар ҳам имзолангани мазкур кенгаш доирасидаги ҳамкорлик жадал ривожлантиришни кўрсатди.

ШХТнинг 2007 йил августда бўлиб ўтган Бишкек саммитида

доирасидаги иқтисодий ва сарможий ҳамкорлик қўлини нечоғли жадал ривожлантиришга Ўзбекистон билан ШХТга аъзо бошқа давлатлар ўртасидаги товар айирбош-лаш ҳамжи кўрсаткичларининг мутасил ўсаётгани яхши мисол бўла олади.

Масалан, Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистон энергия манбаларининг йирик экспортчилари, Хитой эса йирик импортчилар. Транспорт коммуникацияларининг тармоқлари ҳам аввало ташкилотга аъзо давлатларни бир-бирига боғлайди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҲАҚҚОНИЙ РАВИШДАГИ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФ ВА НУФУЗНИНГ СОҲИБИ

Ўзбекистон ўз мустақил тараққиётининг 16 йили мобайнида эришган ютуқларига хорижий давлатларнинг сиёсий, ишбилармон, таҳлил ва жамоатчилик доиралари вакиллари юқори баҳо беришмоқда.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

«Ўзбекистон ўзининг янги даврида ҳаётий фаолиятнинг барча муҳим соҳаларида кўнгина таҳдидларга қарамасдан замонавий дунёда ўз ўрнини белгилаб олгани, миллий хавфсизликни таъминлагани, истиқболли ижтимоий-иқтисодий йўналишни шакллантиргани, маданий ва цивилизация тараққиёти йўналишларини аниқлаб олгани унинг оғир вазиятдан шараф билан чиқиб олишини таъминлади.

Ийгилишини мамлакатимиз Бош прокурори, мазкур комиссия раиси Р.Қодиров бошқарди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, мустақил ҳаёт оstonасига илк қадам қўйган йигит-қизларга, шунингдек, кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётган ва бу ўзининг самараларини бермоқда.

2006 йилда республикамиз бўйича 208 минг 423 оила, жорий йилнинг биринчи ярмида 94 минг 718 оила ташкил топган. Кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларининг ёзги соғломлаштириш масканларида дам олишлари учун 214 миллион сўмлик ҳимойили ёрдам кўрсатилган. Республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан ҳимойлар маблағи ҳисобига кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бир минг 424 бош қоромол ҳада қилинган.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича Тошкент шаҳар комиссияси ташаббуси билан кам

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ОИЛАВИЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, НИКОҲИ БЕКОР БЎЛГАН ВА БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН ОИЛАЛАРДА ТАРБИЯЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ, УЛАРНИ ИЖТимоий ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРГА ОИД МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

таъминланган, кўп болали ва боқувчисини йўқотган мингдан зиёд оила фарзандларининг хатна тўйлари ўтказилиб, 152 нафар кам таъминланган оила фарзандларига бепул компьютер ўргатиш курслари ташкил этилган.

Самарқанд вилоятида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари бўйича мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказилиб келинаётгани, бир минг 850 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар рувват ёрдамлари, 7 минг 341 нафар ногирон болага 42,2 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани таъкидланди.

Бош прокуратура матбуот хизматида маълум қилинишича, йиғилишда никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болалар муаммоларига бағишланган семинар-тренинглари мунтазам ўтказиб бориш, никоҳнинг қонуний расмийлаштирилишига эришиш, бу борада ҳокимликлар, маҳалла фаоллари, хо-

тин-қизлар кўмиталари, ФХДБ бўлимларининг масъулликни ошириш, бундай оилаларга мақсадли ижтимоий ҳимояни ташкил этиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Аҳмедовнинг оилавий зиддиятларнинг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларини ижтимоий ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ.

Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С.Иномова ва Р.Қосимов иштирок этди.

Беҳзод НОРБОВЕВ, ЎзА мухбири

МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА ТАНТАНА

РЕСПУБЛИКА БАЙНАЛМИЛЛАТ МАДАНИЯТ МАРКАЗИДА ҚИРГИЗСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНДИ.

Қирғизистон Маданият маркази томонидан ташкил этилган мазкур дўстлик кечасида мамлакатимизда истиқомат қилаётган ва ўз фаолиятини олиб бораётган қирғиз миллати вакиллари, дипломатик корпус ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Байрам дастурини кириш сўзи билан очиб берган Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги факультети ва мухтор элчиси Азизбек Мадмаров Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги халқаро ва маданий алоқалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди.

— Ўзбек ва қирғиз миллатлари қадимдан дўст ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келмоқда, — деди элчи жаноблари. — Бундай дўстлик кечаларининг ўтказилиб турилиши икки миллат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Тадбир давомида Қирғизистон Маданият маркази раиси Раҳматилла Жабборов сўзга чиқиб, республикамиз ҳудудида фаолият юритаётган қирғиз маданият марказлари, қирғиз тили мактаблари ҳақида гапирди. — Мамлакатимизда ҳозирда икки юз ўттиз олти мингдан зиёд қирғиз миллати вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда, — деди Р. Жаббаров. — Бунда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар катта аҳамият касб этмоқда.

Байрам тадбири давомида Қирғизистонда хизмат кўрсатган оқин Абдували Акимбеков, Ўш филармонияси созандаси Акбарали Тасманов ижро этган қирғиз миллий мусиқа ва рақс дастури иштирокчилар эътиборига ҳавола этилди.

ЯНГИ ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

ТОШКЕНТДА WESTERN UNION ФИРМАСИНИНГ ЯНГИ ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТҚАЗИЛДИ. УНДА WESTERN UNION ФИРМАСИНИНГ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИ ҲИКМЕТ ЭРФЕК ИШТИРОК ЭТДИ.

Western union пул ўтказмалари халқаро тизимининг етакчи фирмаси сифатида икки юздан зиёд давлатга жумладан, Ўзбекистонда ҳам муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Сўнгги йилларда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларида ҳам Western union фирмаси фаолияти ривожланиб борапти. Бугунги кунда миллий банк бозорининг катта қисmini ташкил қилган мамлакатимизнинг барча ўн икки минтақасида йигирма иккита ўзбек банки орқали мазкур фирманинг осон ва қулай пул жўнатмалари хизматларидан фойдаланиш мумкин.

— Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон ҳар томонлама ривожланиб бораётгани ушбу юртга бўлган қизиқишимизни тобора орттирмоқда, — деди Ҳикмет Эрфек. — Шу боис юртингизда фирма вакиллик шохобчаларининг доирасини кенгайтириш, мижозларга қулай ва ҳамёнбоп инновация махсулотларини тақдим этиш ниятидамиз.

Матбуот анжуманида Western unionнинг нафақат янги инновация махсулотлари балки турли ижтимоий лойиҳалардаги иштироки хусусида ҳам ахборот берилди.

«Туркистон-пресс»

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда) V БОБ

ОВОЗ БЕРИШ ВА САЙЛОВ ЯКУНЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ

30-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камидан 1 кун олдин хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатларидаги ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жилаҳа, шунингдек санаторийлар ва дам олиш ўйлоҳида, касалхоналар ҳамда бошқа доимий ишлайдиган дўзах муассасаларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, башарти рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериш бўлган бўлса, исталган вақтда овоз бериш туганганлигини эълон қилиши мумкин.

31-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказиладу, уларда аширин овоз бериш учун етарли миқдорда абиланалар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қўтилари ўрнатилиши керак. Сайлов қўтилари овоз берувчилар ўлар ёнига албатта яширин овоз бериш кабинетлари ёки хоналари орқали ўтиб келаётган қўлиб қўйиладу.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз эҳши иродаларини яширин билдиришларини таъминлаш, иноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб уриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қўтиларини текширади, плмбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради, бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенларини тегишли сайлов комиссияси сайлов участкаси сайловчиларининг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа увоҳнома кўрсатилган беради. Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетени олгани ҳақида сайловчилар рўйхатидаги ўз қамиллиси рўпчасига имзо чекади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконияти эга бўлмаган сайловчи ўз истиқомат жойидаги участка қўлов комиссиясидан сайлов вақаларини талаб қилиб олиши, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлиқ хусусида қарорга келиши ҳамда тўлдирилган сайлов вақаларини конвертга қўлиши ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов вақаларини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатида имзо чекади. Сайлов заракасининг нусхасини Марказий сайлов комиссияси ёлғилайди.

Айрим сайловчилар соғлиги ёмонлиги тўғрисида ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинага кела олмаган ҳолларда участка комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссиянинг қамидан икки аъзосига сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топшириши мумкин.

Бирон-бир сабаб билан сайловчилар рўйхатида ирилтильмаган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иновасига киритиладу.

32-модда. Овоз беришни ўтказиш

Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган қамидан икки хонада тўлдирадлар. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчида бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетени мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирон кишини қамидан икки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпчасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди.

Тўлдирилган бюллетени овоз берувчи сайлов қўлисига ташлайди.

33-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳақ бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳид санаб чиқади.

Овоз бериш тугагач, сайлов қўтиларини очишдан олдин участка комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов вақалари солинган ёпиқ конвертлар қўтига ташланади.

Сайлов қўтилари участка сайлов комиссияси томондан комиссия раиси овоз бериш туганганлигини эълон қилгандан кейин комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида очилади. Овоз бериш тугангани қадар сайлов қўтиларини очиб тақиқланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари сайлов қўтиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияси томондан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бислетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қўтиларида бўлган бюллетенлар ва сайлов вақалари асосида комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақийқат эмас деб топилган бюллетенлар, вақалар сонини аниқлайди. Сайлов бюллетенининг, вақаларининг ҳақийқатлиги шубҳа туғилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томондан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўинбосари, комиссия котиби ва аъзолари томондан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томондан ёлғиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига оборилади.

(Давоми келуси сонда)

Маҳалла — ота-онани

Файзли гушанинг эртаси мунаввар

Жумладан, бундан ўттиз йилча муқаддам Сай-фиддин ака Камолидинов узоқ вақт маҳаллага оқсоқоллик қилди. Дунё кўрган, даврани катта-кичikka ажратмаган барча билан юракдан гаплашиб, одамлар ички дунёсига кира олган, дилкаш ва айни пайтда талабчан раис маҳалла-қўйда чинакам обрў-эътибор топганди. Аҳолининг тинч-осуда яшаш тавминлангани, худуд обод бўлиб бораётгани, ҳеч кимнинг дарди ичида қолиб кетмаётгани боис оқсоқол қабулида одам ҳамisha гав-жум бўларди.

Маҳалладошлар орасида жамиятимиз хусусан, тиббиёт соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Карим Йўлдошев камтар, хокисор ва ишчанлиги билан ажралиб турарди. У шахси-дан, эгаллаган лавозимидан, миллатидан қатъи назар, илтимос билан келган хонадонга борар, тавсиялар берар, муолажа қилар, зарур бўлса «тез ёрдам» чақирар, қайси шифохонага ётқизишни тайинлар ва албатта, бемор соғайиб чиққунга қадар унинг аҳолидан хабар олишга вақт топар, хизмати эвазига улардан ҳеч қачон ҳақ олмасди.

Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бироқ бугунги мавзуйимизга бевосита алоқадор бўлгани учун ҳам маҳалланинг ҳақиқий икки фарзанди, икки фахри хусусида бироқ тўхталдик, холос. Ҳеч иккиланмай айтиш жоизки, улар қадаб кетган эзгулик ниҳоллари ҳозир ҳосилга кирган. Улар бошлаб берган хайрилик тадбирлар давом эттирилмоқда ва ни-


ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЎТМИШИ, ТАРИХИ БОР. ҚАЙСИ МАКОННИНГ ЎТМИШ ДАВРИ ЭЗГУЛИКЛАРГА БОЙ БЎЛСА, БИЛГИНКИ, УНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАМ ШУНГА ЯРАША ИСТИҚБОЛЛИ БЎЛАДИ. ЮНУСОБОД ТУМАНИДАГИ 1-«ОТЧОПАР» МАҲАЛЛАСИНИНГ ҲАМ ЭСЛАСА АРЗИГУЛИК НОМДОР, ФИДОЙИ ОДАМЛАРИ МАСКАНГА ТАМАЛ ТОШИНИ ҚЎЙГАНЛИГИНИ ҲАЛИ-ҲАНУЗ ФАХРЛАНИБ ГАПИРИБ ЮРИШАДИ.

ҳоясига етказилаётир. Бир неча йиллардан буён орзу қилинган маҳалла гузари қурилиши асосан тугалланди. Гап шундаки, бу савобли ишга академик К.Йўлдошевнинг тўнғич ўғли Ёркин Йўлдошев бошқоқ бўлаётган бўлса, собиқ маҳалла оқсоқоли С.Камолидиновнинг ўғли Садриддин Камолидинов эса замонавий чойхонани бошқармоқда.

Кискаси, маҳалла катта — етти минг нафар аҳолиси бор. Бу — етти минг тақдир демакдир. Раис хонасига тугаш жой котиба, хотин-қизлар комиссияси раиси, посбонлар сардори учун мўлжалланган. Сал пастрокда Дарбозакент ариги шарқираб оқиб ётибди. Сувнинг нариги томонида кенг саҳндан иборат чойхона жойлашган. Ховли марказидаги фавворалар ён-атрофга салқинлик бағишлайди. Анвойи гуллар кўзни яшатиб, дилни яйратади. Ихчам, эни ярим қулоч келадиган ариқ ҳовузчага қўйилади ва худуд иклимини мўътадиллаштиришга хизмат қилади.

— Алоҳида хоналар сони 11 та, — дейди гузар чойхонаси қурилиши ўз маблагга ҳисобидан қуриб битказган Ёркин Йўлдошев, — уларнинг ҳар бирида 10 тадан 30 нафар кишигача бўлган жамоа мариқиб дам олиши мумкин. Хоналар иситгичлар билан таъминланган.

Ҳа, дарвоқе, гузарга девор-дармиён Камолидин Ориф Бухорий жомеъ масжиди жойлашган. У пойтахтимиз Тошкентга «Ислом маданияти маркази» шарафли ном берилган жорий йилда ҳам энига, ҳам бўйига қангайди. Иншоот қурилиши асосан



хашар йўли билан амалга оширилди. Унга нафақат Юнусобод, балки шаҳарнинг бошқа туманларидан саховатпеша кишилар ҳам ҳомийлик ёрдами билан кўрсатдилар.

Яна бир янгилик, масжид билан гузар ўртасида фойдаланилмай келган майдон ҳамкорликда богга айлантирилди. Сал нарироқда эса бир гектардан зиёдроқ жойда маҳалла ўғил-қизлари учун болалар спорт-соғломлаштириш мажмуини барпо этиш мўлжалланган.

Хуллас, маҳалланинг эртаси мунаввар эканлигига ўзингиз ҳам шохид бўлдингиз. Бинобарин, ибратомуз ўтмиши бор масканнинг келажаги ҳам ёруғ бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Абдулла МАХМУДОВ

Иқтисодиёт

БУЮРТМА АСОСИДА

«СУВСАНОАТМАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ТАЛАБ ОРТИБ БОРМОҚДА. БУ ЕРДА СУВ ИНШОТЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ТУРЛИ МЕХАНИЗМЛАР ТАЙЁРЛАШГА ҲАМ КИРИШИЛМОҚДА.

Шу боис корхона Россиядаги гидромеханизация заводи билан ҳамкорлик ўрнатди. Узро келишувга биноан бу корхона тупроқ ишлари механизми эҳтиёт қисмларини етказиб беради.

Каналлар ва коллекторларни тозалашда қўлланиладиган механизмлар ҳам буюртма асосида кўплаб тайёрланади.

СТАНЦИЯНИНГ ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТИ

ЧУҚУРСОЙ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯСИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИДА ПЕШҚАДМ КОРХОНАЛАРДАН САНАЛАДИ. КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУ СТАНЦИЯДА ЭЪТИБОРГА САЗОВОР ҚАТОР БОЙ ТАЖРИБАЛАР ОРТИРИЛДИ.

Бу ерда уюштирилган кўргазмали техника анжуманида ана шу ибратли ишлар ҳақида гап борди. Техник ва технологик таълим борасида кўлга киритилаётган ютуқлар кўпчилигида яхши таассурот қолдирди.

Йўл ҳўжалиги ва алоқа тизимини такомиллаштириш йўлида кўрилатган техник тадбирларнинг ҳам истиқболли эканлиги кўрсатиб ўтилди. Станцияда янги очилган станцион технологик марказда ўтказилган давра суҳбати чоғида анжуман иштирокчилари қатор янгиликлар билан танишдилар.

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР ИШГА ТУШИРИЛДИ

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТЕХНИКАВИЙ ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ РЕСПУБЛИКА ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «ЎЗБЕКЕНГИЛСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИШЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. КОМПАНИЯ ТАСАРРУФИДАГИ 30 ГА ЯҚИН КОРХОНАЛАРДА БУ ЖАРАЁН ТўЛА АДО ЭТИЛДИ.

Тошкент шаҳридаги «Тренли Лэнд», «Шах текстил», «Ажарбо текстил» каби хориж корхоналарида амалга оширилган ишлар натижасида улар энг замонавий технологлар билан таъминландилар.

«Текстил импекс» кўшма корхонасининг моддий-техник негизи янада мустаҳкамланди. Жалб қилинган микрокредитдаги инвестиция асосида янги қувватлар ишга тушди.

Шаҳримизда фаолият кўрсатаётган тўқимачиликка ихтисослашган яна қатор корхоналарга технологик ускуналар олиб келиш давом этмоқда.

Акбар АЛИЕВ

СИФАТ — БОШ МЕЗОН

СИФАТ БОШ МЕЗОН БЎЛГАН КОРХОНАДА МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ХАРИДОРЛАРИ САФИ ОРТИБ БОРИШИ ТАБИИЙ ҲОЛ. АЙНИҚСА, БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ, ДАСТГОҲ ВА УСКУНАЛАР ЁРДАМИДА БОЗОР ҲАМДА ХАРИДОР ЭЪТИЈИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЕДАН СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН ЖАМОАЛАР ЎЗ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАМОҚДА.

1997 йилдан буён пойтахтимизда фаолият юритаётган «ТЕГЕН» хусусий корхонасининг ҳам ички бозоримизда мўқим ўрни бор. Боиси, корхона тадбиркорлари доимий иланишда. Бугунги кунга келиб жамоа аҳли замонавий технологиялар мададида сифатли, хушхўр колбасаларнинг ўзидан 50 хилдан ортингини тайёрламоқда. Жумладан, гўштили делькатеслар хари-дорлиги билан ажралиб туради.

Эътиборли томони, харидор дид ва эътиёҳига мос ҳамда бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулотлар хар хил ҳажми, катталиқда герметик, чиройли қадоқланади. Бундан ташқари, жамоанин самарали савий-ҳаракатлари туфайли сифатли майонез ва кетчуплар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Корхона цехларида доимий (барча фасларда) керакли даражадаги намлик ҳамда ҳарорат меъёрида бўлишига эътибор қаратилган.

Озода, саранжом-саршта цехларда барча маҳсулотлар экологик тоза хом ашёдан «ТЕГЕН» савдо белгиси билан тайёрланиб, шаҳримиздаги 300 дан ортиқ овқатланиш тармоқлари, озиқ-овқат дўконларига етказиб берилмоқда.

САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

БУГУНГИ КУНДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТУФАЙЛИ БАРЧА СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР ОРАСИДА АЁЛЛАРИНИНГ ЎРНИ САЛМОҚЛИ. АҲОЛИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ БАРАКАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАНЛАР САФИ ҲАМ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Пойтахтимизда 2005 йилдан фаолият юритаётган «Гўзал либослар» модалар ательесига Гўзал Ҳамидова раҳбарлик қилмоқда. Аҳил жамоа — моҳир қўли тикувчи, замонавий дизайнчилар бурюртмага асосан хотин-қизлар учун кундалик, тўй-ҳашамларга кийиладиган ҳамда офис ходимларига мўлжалланган бежирим либослар тикиб, мижозларини мамнун қилишмоқда.

Жорий йил бошидан эса жажигина болажонларимиз учун ҳам мавсумий кийим-кечаклар тикиш хизмати йўлга қўйилди. Мазкур ателье салони мижозларга жуда қулай, замонавий жиҳозланганлиги билан эътиборли бўлса, жамоа аъзолари тезкор, сифатли хизмат кўрсатиши, мижозлар билан ниҳоятда хушмуомалаликлари билан ажралиб туришади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Туман бўлимлари фаолиятдан

МАҚСАД — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТҚАЗИШ

«КАМОЛОТ» ЁИҲ ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН БЎЛИМИ ТОМОНИДАН ЁШЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ ТУРЛИ МУАММОЛАРИНИ ЕЧИШДА КўМАКЛАШИШ, БУ БОРАДА ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, КАСБ-ҲУНАРГА ЎРГАТИШ, ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИНИ ҲАМДА МУСТАҚИЛ ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШЛАШ ЁКИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН КРЕДИТЛАРНИ ОЛИШДА ЯҚИНДАН ЁРДАМ БЕРИБ КЕЛИНМОҚДА.

Хусусан, туман маҳаллаларидаги ўсмир қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қизлар ўртасида «Маҳалланинг намунали кизи» кўрик-танлови ўтказилди. Шунингдек, 32 нафар қизларга «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими қошидаги компьютер ўқув марказида бепул таълим олишларига йўллана берилди. «Уй бекаси» курслари эса 40 нафар қизларни ҳаётга тайёрлаш

мақсадида тўқувчилик, тикувчилик, пазандачилик кўник-маларини эгаллашга ёрдам бермоқда.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва маҳалла ёшларининг ҳуқуқий билимини ошириш, худудда жойлашган ўқув-даволаш комплекси, Тиббиёт коллежи ва «Менежмент ва технологиялар» коллежларидаги талабаларнинг ҳам ҳуқуқий савияларини, интеллектуал салоҳиятларини ошириш мақсадида «Заковат» интеллектуал

ўйинлари ўтказилди.

Ёшларнинг ватанимиз, дунё тарихи, диний ва умумий билимларини ошириш ва шакллантириш мақсадида эса «Нима, Қачон, Қаерда» каби бир қатор танловлар, «Ёш тарихчилар» ва «Буюк аждодлар ёди» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини амалга ошириш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган уюшмаган ёшлар, ички

ишлар бўлимида профилактик ҳисобда турувчи тарбияси оғир бўлган вояга етмаганлар орасида гиёвандликка қарши кураш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, улар ўртасида оммавий ва яқна тарихчилик ва «Буюк аждодлар ёди» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Мулоҳаза

Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз

МЕҲРИБОН ҚАРИЯЛАРИМИЗ ДУОГА ҚЎЛ ОЧГАНДА «ШУ ХОНАДОНДА ҲАМИША ТўЮ-ТОМОШАЛАР БЎЛСИН, ҲАММАМИЗНИ ТўЙГА ЕТКАЗСИН» ДЕБ НИЯТ ҚИЛИШАДИ. ДАРҲАҚИҚАТ, ЎЗБЕКНИНГ ЭНГ БАХТЛИ КУНИ — ТўЙЛАРИМИЗ БОР БЎЛСИН!

Яқинда маҳалламизда яна битта оила кўпайди. Маҳаллада дув-дув гап. Шавкат ака ўзининг тўйини шаҳарнинг энг ҳашаматли ресторанида ўтказганмиш. Келин-куёв чет элнинг энг зўр машинасида тўйхонага катта дабдаба билан кириб борганмиш. Дастурхонда қизил икрадан тортиб, қўзқорин тузламасигача, салат меваларниқчи Ўзбекистонда топилмайдиган ноёб турларига ҳам муҳайи эммиш. Турли-туман ичимликлар «омбори» билан кўчириб келинган гўё. Столга узатилаётган ноз-неъмат-у турли шохона таом-

ларнинг кети узилмас, машхур эстрада гуруҳлари раққосалари билан хизматдага казозом меймонлар иззатда эммиш.

Ажабо!

Тўй деганлари шундай шохона ўтсагина келин-куёв бахтли яшайди бўлмас... Айни пайтда икки ёш жуда хурсанд. Тўйлари етти маҳаллада дув-дув гап. Тенгқурларнинг уларга минг бир хавас билан боққанларини айтмайсизми?

Бир кунлик дабдабали тўйни бутун маҳалла энди етти ой гапиришади. Аммо ис-

роф бўлган қанчадан-қанча таомларни қўя турайлик айни вақтда, шундай тўй қилишга имкони бўлмаган ўқсик диллар ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмайди.

Бизнингча ҳамма нарасада меъёр бўлгани яхши. Негаки шу жамиятда ёнма-ён, девор-дармиён, бир-биримизга ҳамнафас бўлиб яшаймишимиз, албатта ён-веримиздагиларнинг имкониятларини ҳам ҳисобга олганимиз дуруст. Бу ҳисоб-китобли дунёда инсон деган азият зотининг кўнглини синдириш ҳеч кимга фойда, обрў-эътибор келтирмайди.

Шу ўринда айтмоқчи эдикки, Шавкат ака эл оғзида қоладиган тўй қилди. Бироқ озорқ маблаг ажратиб, маҳалламиз мактаби, чала ётган боғча, кам таъминланган бир оиланинг қурилишига ҳам озорқ ёрдам бериб юборганда эди нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам ибрат бўлиб элу юрт дуосига сазовор бўлармиди?

Рохила ЭРГАШЕВА

Маҳалла тарихини ўрганамиз

СУЗУКОТА ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

СУЗУКОТА МАҲАЛЛАСИ ФАОЛИ, ЎНЛАБ ИМОРАТЛАР ТАРХИНИ ЧИЗГАН ВА ҚАДИМ ШОҲИГА ҚАДАМИ ТЕККАН, 150 ДАН ОРТИҚ АЗИЗ-АВЛИЁЛАР ТАРИХИ, ШАЖАРАЛАРИ ҲАҚИДА АСҚАР ОТА ОБИДОВ ТўПЛАГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ БАҲРАМАНД ЭТИШНИ ЛОЗИМ Топдик.

Сузукота маҳалласи аҳолиси сони 3698 нафар бўлиб 690 оила, 331 та хонадонларда аҳил-инокликда яшаб келмоқда. Маҳалланинг майдони 12750 квадрат метрни ташкил этиб 3 та кўча, 1 та тор ва 18 та берк кўчадан иборат.

Маҳалланинг асосчиси Сузукота (Мустафоқул) 12-асрнинг ўртаси 13-асрнинг бошида яшаган. Ҳожа Аҳмад Ясавийнинг кизи гаҳари Хушожнинг кенжа ўғли Мустафоқул 1140 йилда Сайрамда таваллуд топган.

Отаси Аҳмад ал-Қорачуғай Шайхнинг йўлланмаси билан бу маҳаллага келиб, турғун бўлиб яшаб қолган. Кимсасиз, тепалик ва жарликлардан иборат бўлган ерларни ўзлаштириш ва обод қилиш учун Сузукота туғилган юртидан қорилар, устакунармандлар ва яқин биродарларини олиб келиб, уй-жойлар қурдириб, барчага бошпана қилиб берилган, илм ва хунарни кенг оммага жорий қилишни бошлаб юборишган. Маҳалла аҳлининг кўпчилиги хўжалик уруғига мансуб бўлган ва бир оиладек тинч-тотув бўлиб яшаган.

Маҳаллани хўжалик маҳалласи, баъзан усталар маҳалласи деб ҳам аташган. Қароматлар соҳибни, аҳолининг доно маслаҳатгўйи, хунармандлар устози, толибларнинг пир-муриши бўлган Сузукота 1240 йили вафот этган. Шундан бери бу жой Сузукота маҳалласи деб аталиб келинган.

Буюк саркарда Амир Темур Тошкентда кўплаб масжид-мақбаралар қурдирганида Ясавийнинг эрка набираси Сузукотага ҳам атаб мақбара, мас-

жид ва мадраса бунёд эттирган.

20-асрдан бошлаб, маҳалла номи бир неча марта ўзгартирилган. Яъни Бауман, Қаҳрамон ва Обод деб. Мустақилликдан сўнг 1992 йилдан бошлаб қайтадан Сузукота маҳалласи деб атаб келинмоқда. Бу маҳалла тарихига 1945 йилдан кейин «Чақар» маҳалласи қўйилган бўлса, энди атрофдаги кичик маҳалла бўлган Андижон, Мирлар, Миср, Чўпонота ва «Чўқур кўприк» маҳаллалари ҳам қўшилди.

Маҳаллада бир қанча кўҳна обидалар мавжуд бўлиб, улар:

1. «Чўпонота» маҳалласи масжиди (12 аср)
2. «Сузукота» жомеъ масжиди (14 асрнинг охири)
3. «Андижон» маҳалла масжиди (1817 йилда қурилган)
4. «Чақар» маҳалла масжиди (1820 йилда қурилган)
5. «Чўқур кўприк» маҳалла масжиди (1850 йилда қурилган)
6. «Сузукота» мақбараси
7. Шогирдлари дефн этилган сағана-дахма
8. Йўлбарсли ота сағанасидир.

Бундан ташқари маҳалла худудиди тарихий кўшсинчлик, тоқилки уйлар сақланиб қолган. Бугун кундан кунга чирой оцаётган Сузукота маҳалласи аҳолиси ўз тарихи, улғ алломалари номини фахр билан эсга оладилар ва келгуси авлодга ибрат қилиб кўрсатиб келмоқдалар.

КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

БУГҮН ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲАР БИР БЎҒИНИДА БЎЛГАНИ КАБИ ЭЛУ ЮРТ ТИНЧЛИГИ, ХОТИРЖАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ, ТУРЛИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДЕК МАШАҚҚАТЛИ, АЙНИ ДАМДА ШАРАФЛИ СОҲА ҲИСОБЛАНГАН ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ТИЗИМИДА ҲАМ КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БИЗ 25 ОКТЯБРЬ — ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ НИШОНЛАНИШИ ОЛДИДАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ЎРИНБОСАРИ, ПОЛКОВНИК АБДУНАБИ АБДУЛЛАЕВИЧ ҚОБУЛОВ БИЛАН ПОЙТАХТ ИЧКИ ИШЛАР ИДОРА ВА ТИЗИМЛАРИДАГИ АЙНИ КУНЛАРДАГИ ФАОЛИЯТ, КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИШЛАР ҲАҚИДА СУҲБАТЛАШДИК.

Мустақиллик йилларида ҳар бир соҳада бўлгани сингари, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида ҳам ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳужжатлар моҳиятида жиноятчиликка қарши курашишдан кўра унинг олдини олиш афзаллигига эътиборни қаратиш акс этгани иш фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда унинг самараси ҳисобланмиш ИИББ хизмати пост-патруль хизмати ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари турли хил жиноятлар, террорчилик, қўпуровчилик хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, шаҳар ҳудудида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш йўлида бошқа хизматлар билан ҳамкорликда кечаю-кундуз иш олиб боришмоқда. Бу борада тезкорлик билан иш қилиш мақсадида «Халқ» гуруҳлари ташкил этилган бўлиб, ушбу хизматга тажрибали, малакали ходимлар жалб этилган. Уларнинг ҳар қандай хабар олинishi билан воқеа жойига тезда етиб боришлари ёки кичик халқа йўлини тўсиб қўйишлари турли жиноятларнинг олдини олиш ёки уларнинг «иссида» очилишини таъминламоқда. Албатта, йилдан йилга турли жиноятлар содир этилишининг сезиларли тарзда камайгани мана шундай сабаб-ҳаракатлар самарасидир. Президентимиз ташаббуслари билан маҳаллаларда иш олиб бораётган таянч пунктлари фаолияти ҳақида ҳам мана шундай фикрларни айтсақ муболага бўлмайди. Чунки таянч пунктларининг маҳаллаларини ўзида жойлашгани аҳоли билан ишлашда янада қўлайлик яратди. Бугунги кунда пойтахтимиздаги 474 та маҳаллада таянч пунктлари фаолият юритаётган бўлса, шулардан 100 тасида кечаю-кундуз хизмат йўлга қўйилган. Инспекторларимиз фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида шу йилнинг ўзида таянч пунктлари 300 дан ортиқ компьютерлар, моддий-техника жиҳозлари, махсус воситалар билан таъминланди. Ходимларимизнинг маҳалла оқсоқоли, фаоллар ва посбонлар билан ўзаро ҳамкорликдаги ишлари ўз-ўзидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Абдунаби Абдуллаевич, шу ўринда ички ишлар ходимларининг зиммаларидаги улкан масъулият ҳиссини чуқур англашлари, ишда яхши натижаларга эришиш йўлидаги изланишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, пойтахт шаҳримиз, давлатимиз кўзгусидир. Шунинг учун бу ерда ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига тинчлик-осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида янада катта масъулият юкланган. Биз шундан қелиб чиққан ҳолда хизматга муносиб номзодларни танлаш, ходимларни жой-жойига қўйиш, касб маҳоратларини оширишга катта эътибор қаратганимиз. Хусусан, ходимларнинг билим даражасини ҳолисона баҳолаш ва ошириб бориш мақсадида ўзимизда тест маркази очилди. Жисмоний тайёргарликка катта аҳамият берилган. Уларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий билим савияларини ошириш мақсадида ҳар ҳафтанинг душанба кунлари Маърифат соатлари ўтказилади. Унда таниқли олимлар, маданият ва фан арбоблари билан уч-

рашувлар уюштирилади, фахрийлар эъвозланиб, хизмат бурчини ўтаётиб халок бўлган ходимлар ёдга олинади. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя йилида ҳар ҳафтада тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг ишларига назар ташланиб, хизматда намуна кўрсатиб, кўрсаткичлари юқори бўлганлар раҳбарият томонидан рағбатлантирилади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, бугун уларнинг машаққатли, фидоийлик билан қилаётган меҳнатлари маҳаллалар, бозорлар маъмурияти, халқимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб, уларга катта ишонч билдирилмоқда.


Айни пайтда ИИББнинг барча хизматлари «Тозалаш», «Арсенал», «Тун», «Орият» каби тадбирларга жалб этилган. Ушбу тадбирлардан мақсад биринчи галда пойтахтимиз кўчалари, бозорлари, майдонларида тартиб ва осойишталикни кечаю кундуз таъминлашга алоҳида эътибор қаратишдир. Яна яқинда «Турон» хизмати ташкил этилди. Унинг асосий вазифаларидан бири сифатида пойтахтимизнинг асосий, яъни марказий кўчаларида патруль-пост нарядларининг пиёда хизмат олиб боришлари йўлга қўйилди. Шу мақсадда йўналишлар белгиланиб, унда ходимларимиз кечаю кундуз иш олиб боришяпти.

— Юрт осойишталиги, фуқаролар хавфсизлигини сақлаш борасидаги ишлар салмоғи ҳақида бугун шаҳарли ва масъулиятли касб соҳибларининг хизматлари беқийс. Бугун ушбу тизимда яна қандай янгилıklarға қўл урилмоқда?

— Янгилıklarға келадиган бўлса, яқин кунларда ишга туширилиши кутилаётган «Кинология маркази»да охириги курилиш ишлари кетяпти. Марказда хизмат итларини ўргатиш йўлга қўйилади, ўқ отиш тири, фавқулодда ҳолатларда хизмат қилувчи марказ фаолият кўрсатади. Бундан ташқари алоҳида отлик қисм хизматини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Иш сифатини ошириш, самардорликка эришишда албатта ушбу «Кинология маркази»нинг ўрни катта бўлади. «Ижтимоий ҳимоя йили»даги янгилıklarдан яна бири шуки, ички ишлар тизими ходимлари фарзандларининг яхши дам олишларини таъминлаш учун Зарқентдаги оромгоҳда таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда. Биз келгусида ушбу оромгоҳда фақат ўз оиларида фарзандларимизнинг дам олишларини эмас, балки тўрт фаслда ҳам ходимларимизнинг саломатликларини тиклашга хизмат қиладиган соғломлаштириш маркази ишини йўлга қўймоқчимиз.

— Ички ишлар тизими ходимларининг шарафли ва заҳматли меҳнатлари эътиборга олиниб 25 октябрь — Ички ишлар идоралари ходимлари куни сифатида нишонланиши белгилаб қўйилди. Байрамни қандай кутиб олясанлар?

— Албатта, ишда янада яхши кўрсаткичларга эришган ҳолда халқимиз хавфсизлиги, тинчлик-осойишталикни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган ҳолда кутиб оламиз. Режага мувофиқ турли тадбирлар ўтказилади, уларга хизмат вазифасини ардо этаётган вақтда халок бўлган ходимларимиз оилалари, фахрийлар тақдир этилади, улар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Фурсатдан фойдаланиб барча Республикаимиз ички ишлар тизими ходимларини касб байрамлари билан табриқлайман. Уларга сўхат-саломатлик, эзгу, айни вақтда заҳматли меҳнатларида омад ва ютуқлар тилайман.



Биз ҳам юрт тинчлиги, халқимиз хотиржамлиги, Фуқаролар хавфсизлиги йўлида хизмат олиб бораётган шарафли ва масъулиятли касб соҳиблари—осойишталик посбонларига хайри ишларида матонат, жасорат, фидоийлик, кўнгил хотиржамлиги ҳамроҳ бўлишга тилақдошимиз. Зеро, давлатимиз томонидан Ватан тараққиёти, элу-юрт ободлиги, осойишталиги йўлида кеча-кундуз хизмат қилаётган посбонлар хизмати ҳамisha муносиб кадрларни, эъзоз топади.

Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар ИИББ фаолиятдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган сураатлар

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ ДОМО БЎЛУВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ Юсуф Хос Ҳожиб ҲИКМАТЛАР

Килиғи сохтанинг қилмиши жафодир, ким жафокор бўлса, ўша ҳайвондир.

Халқнинг муҳаббатини қозониб, эътибор орттириш учун бегларга бир қатор фазилатлар керак бўлади: кулар юз, ширин сўз, мулоийм бўлиш ва қилиш-қилмишлари мана шуларга муносиб бўлиши керак. Турли санъат — хунарларни муқаммал билиши, барча ношоиста ишлар ундан узок бўлиши лозим.

Бадрўйлик, кўполлик, гердайиш, кеккайиш каби одатлар одамни саргардон қилиб қўяди, у ўз йўл-йўригини тўғрилай олмайди.

Ишларингни ўртача ва мўътадил тут.

Майнинг ичимни олтин-қумуш каби ўзига мафтун қилади, ўзи эса ашаддий ёв — унинг қилмишлари ёқалашу, қилиқлари уриш-жанжал.

Маск бўлиб, кайф қилган одам телба ва тенгак бўлади — телбаларнинг иши қачон тўғри бўлади?

Кибру ҳаво ва кўкрак кериб гердайиш ярамайди — бу одатлар тўғри йўлдан оздиради.

Кибр-ҳаво бефойда — у кўнгил қолдирадиган одатдир, кўнгилни камтар тутилса, у одамни улуглайди.

Кўнгил шубҳали бўлдики, у кишига ортиқча ташвишлар келтиради.

Тадбирли, режали кишилар эл-халққа бош бўладилар.

Мол-дунёга сукланмаслик учун кўз тўқ бўлиши керак. Кўзи очлар бу дунёни бутун ютсалар ҳам ҳеч тўймайдилар.

Уят-андишасиз ҳар нарсадан тонадиган бўлади.

Юмшоқ табиатли киши одамлар орасида севимли бўлади, қахри қаттиқ киши жирканч бўлади.

Жангларида юраксиз, кўрқоқ кишилар иш бермайдилар, юраксизлар заифалар билан тенг бўладилар.

Душманни енгиш учун икки нарса билан қуролланган бўлиш керак: аввало, душманга хўйланайрган ишлатиш керак, иккинчиси — зийраклик ва хўшёрлик.

Ким иш кўрсатса, эвазига дарҳол инъом бериш керак — у ўша инъом туфайли миннатдор бўлади.

Яхши одамдан фақат яхшилик келади.

Арз-ҳол тинглайдиган одамнинг иш-амаллари ҳамisha манзур бўлади.

Уят-андишали, пок, йўл-йўриги тўғри одамнинг ишлари ва сўзлари фақат эзгуликдан иборат бўлади.

Чиройли юзга боққанда кўзлар равшан тортиб қувонади, ундан кўнгил очилиб, жон озикланади.

Кўнгил камтар бўлса, бахтнинг ўзи одамни қидириб келади.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Халқаро почта» филиали почта ва матбуотларни Республика вилоят марказларига етказиб бериш учун дизел ёқилғида ишлайдиган юк автоуловларга иш стажы 3 йилдан кам бўлмаган профессионал ҳайдовчиларни

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Туркестон кўч, 4-уй. Кадрлар бўлими. Тел.133-95-33.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г- 906

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нўسخада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Мехржон ИСТИҚЛОЛНИНГ ОЛТИН ФАСЛИ

РЕСПУБЛИКА Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январдаги «Мехр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги 40-сонли қарориди шукроналик ва мурувват ғояларининг ифодаси бўлган аънавий «Мехржон» сайлини ўтказиш алоҳида таъкидланган ва ҳар йили ўлкаимизда фойдаланиш билан ушбу байрам нашидаси намойён бўлмоқда. Яқинда шаҳримиздаги Абдулла Қодирий номли маданият ва истироҳат боғида «Ассалом, истиқлолнинг олтин фасли!» мавзуда қадимий, миллий, аънавий «Мехржон» байрами сайли ўтказилди.

Бу тадбир Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси, Республика «Нуроний» ҳамда «Мехр-мурувват ва саломатлик» жамғармалари, Республика «Тасвирий ойна» ижодий бирлашмаси, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ҳамда Спорт Раҳимов туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказилди.

Байрамда шаҳримиздаги 11,16, 29, 159, 165, 2, 19-мактаблар ўқувчилари томонидан тайёрланган чеварлик, зардўзлик, рассомлик кўргазмалари намойиш этилди.

Байрам сайлига ташриф буюрган пойтахтимиз меҳмонлари ва тошкентликларни «Осиё» халқ карнай-сурнайчилар гуруҳи тантанали куйлар билан кутиб олдилар. «Мехржон» байрамининг рамзлари бўлган Деҳқонбобо, Ҳосийоли ва Мехржон-

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИМИЗНИНГ ТИКЛАНГНИ ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ҚАДИМИЙ УРФ-ОДАТЛАР ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ, ЖУМЛАДАН ХАЛҚ САЙИЛЛАРИНИ ҲАМ ТИКЛАШ ИМКОНINI БЕРДИ. ЗОТАН, ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ ВА САЙИЛЛАРИНИНГ МОҲИЯТИДА ОДАМЛАРИНИНГ ҚАЙФИЯТИ ВА РУҲИНИ КЎТАРИШ, ТИНЧЛИК, ИНСОНПАРВЕРЛИК ТУЙҒУЛАРИ ЖАМУЛЖАМДИР. ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ, АНЪАНАВИЙ «МЕҲРЖОН» БАЙРАМИ ҲАМ БИР ОЙ ДАВОМ ЭТАДИГАН ОММАВИЙ БАЙРАМЛАРИМИЗДАН БЎЛИШ, УНИНГ ЗАМИРИДА САХОВАТЛИЙ ЗАМИН, МЕҲНАТКАШ ДЕҲҚОННИ УЛУГЛАШ ҒОЯСИ МУЖЖАССАМ.

Маданият ва истироҳат боғи худудида куз неъматлари бўлган полиз, сабзавот экинлари ва мева маҳсулотлари савдо-ярамкарлари ҳамда қандолатчилик ва нон маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди. Шунингдек, халқ амалий санъати усталари ва хунармандларининг ижодий ишларидан намуналар асосида кўргазма намойиш этилди.

«Мехржон» байрамининг тантанали очилиш маросимида таниқли элшунос олими Билал Аминов қадимий, миллий ва аънавий «Мехржон» байрамининг келиб чиқиши тарихи, унинг шарқ халқлари томонидан қандай нишонланиши ҳақида сўзлаб берди.

Маданият ва истироҳат боғи худудида куз неъматлари бўлган полиз, сабзавот экинлари ва мева маҳсулотлари савдо-ярамкарлари ҳамда қандолатчилик ва нон маҳсулотлари кўргазмаси ташкил қилинди. Шунингдек, халқ амалий санъати усталари ва хунармандларининг ижодий ишларидан намуналар асосида кўргазма намойиш этилди.

«Мехржон» байрамининг тантанали хонандалар, аскиячилар Фаргона вилоятидан «Водил чинори» аънавий халқ цирк гуруҳи, Республика Байналмилли маданият маркази қошидаги Озарбойжон ва Корейс миллий маданият марказлари бадийий-хаваскорлик жамоаларининг хонанда ва раққосалари, Сергели тумани маданият уйи қошидаги «Карвон» халқ кўғирчоқ театри, Шайхонтохур, Юнусобод ва Учтепа туманларидаги маданият уйларидаги бадийий хаваскорлик жамоалари ўз концерт дастурлари билан иштирок этидилар.

Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими томонидан тайёрланган болалар халқ ижодиёти кўргазмаси, маҳаллалар тадбиркорлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари, қандолат маҳсулотлари ва миллий таомлар кўргазмаси, шунингдек, полиз маҳсулотларидан энг ширин қовун, тарвуз, узум ва меваларнинг «Шириняки» танлови бўлиб ўтди.

Боғнинг очиқ сахналарда ёш спортчиларнинг чиқишлари ва рангбаранг дастурлари йиғилганларга хўш кайфият улашди. Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОВ, Мухтасархон КАРИМОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефон» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, комиссиянинг илчи органига қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингизни сўраймиз. Ҳудудий комиссиянинг илчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Матбуотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.